



# ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

## Бошланғич 1-бетда

Юртимизда мақом ва бахшичилик санъатлари ҳамда хунармандчилик буйича халқаро фестиваллар мунтазам ўтказиб келинаётгани миллий маданиятимизни жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишга хизмат қилмоқда. Натигада халқимизнинг қадимий ва бетакрор санъати дунё ҳамжамиятининг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда. “Хоразм лазгиси” ва бахшичилик санъати ЮНЕСКОнинг Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилгани бунинг яққол далилидир.

Соҳа ходимларининг машаққатли меҳнати ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг жаҳмият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш борасида

ҳам катта ишлар қилинмоқда. Айниқса, мамлакатимизда 15 апрель санаси Маданият ва санъат ходимлари куни этиб белгилангани бу йўлдаги янги қадам бўлди.

Муҳтарам юртодошлар! Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган юксак мақсад ва марраларимиз барча соҳалар қатори маданият ва санъат жабҳасида ҳам олдимизга долзарб вазифаларни қўймоқда.

Аввало, миллий маданиятимиз ва санъатимизда халқчиллик тамойилларини янада ошириш, уни том маънода эл-юртимизнинг қалби ва юрагини ифода этадиган, энг юксак халқаро мезон ва талабларга жавоб берадиган соҳага айлантириш — энг муҳим вазифадир.

Аҳоли, аввало, униб-ўсиб келаётган фарзандларимизни турли бузғунчи ғоялар, маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашда биз сизлар каби минглаб фидойи маданият ва санъат намояндларига таянамиз.

Бу борада улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий “Ибротхона” деб таърифлаган театрларимизнинг ўрни ва таъсири катта эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Ўтган йил декабрь ойда мамлакатимизда опера ва балет санъатини янада ривожлантириш буйича Президент қарори қабул қилиниб, бу борада зарур чора-тадбирлар белгиланганидан сизлар албатта хабардорсиз.

Бундан ташқари, маданият ва санъат олийгоҳлари талабаларини, нодавлат театр-студияларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг интилишларини рағбатлантириш мақсадида жорий йилдан бошлаб энг яхши лойиҳалар учун давлат грантлари ажратилади.

Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишлари буйича таълим олаётган битирувчилар, шунингдек, эркин ижод билан банд бўлган расомлар фаолиятига ёрдам бериш, жумладан, ижодий устaxonалар билан таъминлаш, “устоз-шоғирд” аъналарини қучайтириш масаласида ҳам қатор ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

Миллий кинематография соҳасини янада ривожлантириш мақсадида яқинда тубдан таъмирланган “Ўзбек-

фильм” киноконцернини замонавий ускуна ва қурилмалар билан жиҳозлаш ва уни йирик ижодий муассасага айлантириш буйича бошланган ишларимизни охирига етказамиз. Кино санъатининг туризм салоҳиятини юксалтиришдаги аҳамиятини инобатга олиб, нуфузли хорижий кинокомпаниялар билан ҳамкорликда фильмлар ишлаб чиқариш буйича йирик лойиҳалар амалга оширилади.

**Бир сўз билан айтганда, маданият ва санъат ташкилотлари, хусусан, худудлардаги маданият масканларида меҳнат қилаётган кўп миллатли ижодий ва техник жамоаларни қўллаб-қувватлаш, юксак бадий асарлар яратишга рағбатлантириш, уларнинг эл-юртимизга сиққидилдан хизмат қилишлари учун зарур**

**шароит яратиб бериш ишлари янги босқичга кўтарилади.**

Азиз санъаткорлар, муҳтарам соҳа фахрийлари!

Сизларни қутлуғ байрам — Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари куни билан яна бир бор самимий табриклайман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ижодий ва ижтимоий фаолиятингизда улкан зафарлар, хонадонларингизга тинчлик, бахту содаат ва фаровонлик тилайман.

Ҳамиша халқимиз ардоғида бўлиб юринг!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг

### ФАРМОНИ

# ПРЕЗИДЕНТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ АГЕНТЛИГИ ТИЗИМИДАГИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАР ТАРМОҒИНИ КЕНГАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

## Бошланғич 1-бетда

Агентлик мактабларининг таълим жараёни Агентлик томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва таълим дастурлари асосида амалга оширилади; Агентлик мактабларида аниқ ва табиий фанлар билан бир қаторда **Ўзбекистон тарихи фани** чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади;

ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш, уларга кейинчалик ўқишни давом эттириш учун олий таълим муассасаларини танлашда қўллаш мақсадида Агентлик мактаблари директорининг ихтисослик фанлари буйича ўринбосари лавозими ўрнига **“Мактаб маслаҳатчиси” лавозими жорий этилади;**

Агентлик тизимидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда ўқувчилар учун аутсорсинг асосида **Бепул соғлом овқатланиш** ташкил этилади; Агентлик мактабларида раҳбар ва педагог кадрларини ишга қабул қилиш **уч босқичли танлов** (саралаш босқичи, тест синови ва сўхбат) асосида амалга оширилади;

Агентлик мактабларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ходимлар иш ҳақи фондининг **100 фоизи** миқдорига рағбатлантириш жамғармаси шакллантирилади.

3. Агентлик (Х.Умарова) **2022/2023 ўқув йилидан бошлаб** Агентлик мактабларида: ўқув жараёни халқаро таълим дастурлари асосида тайёрланган замонавий дарсликлар асосида олиб борилишини таъминласин;

ўқувчилар хорижий тилларни мукамал ўзлаштириш учун зарур шарт-шароит ва таълим муҳитини яратсин, мазкур жараёнида хорижий ҳамда маҳаллий педагог кадрларини жалб қилсин;

**сунъий интеллект, робототехника, агротехнология, нанотехнология, биотехнология, IELTS, TOEFL ва SAT** буйича қўшимча курслар ташкил этсин;

ўқувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, асосий ўқув дастурлари билан биргаликда **синфдан ташқари касбга йўналтирилган амалий машғулотлар** ўтказиш йўлига қўйсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 10- ва 11-синф ўқувчиларига яқин худудларда жойлашган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида амалий машғулотлар ўтказиш тартибининг жорий этсин;

таълим ва тарбия жараёнида ватанпарварлик руҳи, миллий ғурур ва ғиждор, ўз халқига муҳаббат ва садоқат, Ўзбекистон тарихи, илмий-ижодий ҳамда маънавий-маърифий меросга ҳурмат, ўзликни англаш, меҳнатсеварлик ва масъулиятчилик, қатъият ва шижоатчилик ғоялари синдирилишига алоҳида эътибор қаратсин;

ўқувчиларни Ўзбекистонда амалга оширилаётган исоҳотлар мазмун-моҳияти ва ёшларга яратилаётган шарт-шароитларни чуқур англайдиган, ҳар жиҳатдан рақобатбардош, кенг дунёқараш, мустақил фикр ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган шахс сифатида тарбиялаш учун таъсирчан педагогик технологиялардан фойдаланиш чораларини кўрсин.

4. Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **2022 йил 1 сентябрга қадар** Агентлик тизимида ўтказилган умумий ўрта таълим муассасаларининг саралаш имтиҳонларидан ўта олмаган ўқувчиларини халқ таълими тизимидаги бошқа умумий ўрта таълим мактабларига жойлаштириш ҳамда танловдан ўта олмаган раҳбар ва педагог кадрларни иш билан таъминлаш чораларини кўрсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Агентлик мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, замонавий мебель ва жиҳозлар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, ахборот-коммуникация технологиялари, мультимедиа ҳамда видео-кузатув воситалари билан таъминлаш — Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари

доирасида ажратиладиган маблағлар, Давлат бюджети маблағлари, Агентлик хузуридаги Иқтисодий ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, халқаро молия институтларининг кредитлари ва грантлари, ҳоимлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Бобоев), Агентлик (Х.Умарова), Молия вазирлиги (Т.Ишметов) мазкур Фармоннинг 4-илоvasида кўрсатилган Агентлик мактабларининг 2023-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **2022 йил 1 августга қадар** мазкур Фармоннинг 1-2-илоvаларида кўрсатилган Агентлик мактабларини таъмирлаш, замонавий ўқув қуроллари, ахборот-коммуникация технологиялари, мебель ва ўқув-лабораториялар билан жиҳозлаш чораларини кўрсин, ўқувчиларга яшаш ва овқатланиш учун зарур шароитларни яратсин.

6. Агентлик хузуридаги Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш маркази **Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш илмий-амалий маркази** (кейинги ўринларда — Марказ) этиб қайта номлансин. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Агентлик тизимидаги таълим муассасалари учун давлат таълим стандарти, ўқув режалари, таълим дастурлари ва дарслик мажмуаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни харид қилиш;

Агентлик тизимидаги таълим муассасалари битирувчиларини яқиний давлат аттестациясидан ўтказиш;

таълим соҳасидаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва мамлакатимизда жорий этиш буйича тавсиялар ишлаб чиқиш, ўқитувчиларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш ва сертификатлашни хорижий мамлакатларнинг етакчи илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда амалга ошириш; раҳбар ва педагог кадрларни улзуксиз касбий ривожлантириш, уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат таълим талабларини ишлаб чиқиш ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда малака ошириш курсларини ташкил этиш;

Агентлик тизимидаги таълим муассасаларини илмий-методик жиҳатдан таъминлаш, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш.

7. Агентлик хузуридаги Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш илмий-амалий маркази тузилмаси 5-илоvага мувофиқ тасдиқлансин.

Агентлик (Х.Умарова) **бир ой муддатда** Марказ низомини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Марказга мулк шаклидан қатъи назар, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари педагог кадрларининг **билим даражаси ҳамда касбий маҳоратини баҳолашга рухсат этилсин.**

Белгилансинки:

а) Марказ томонидан педагог кадрларнинг билим даражаси ва касбий маҳоратини баҳолаш барча талабгорлар учун **шартнома асосида амалга оширилади;**

б) Марказ томонидан педагог кадрларнинг билим даражаси ва касбий маҳоратини баҳолаш натижаси буйича 2 йил муддат давомида амал қилувчи **“Илғор ўқитувчи”, “Устоз ўқитувчи” ҳамда “Профессионал ўқитувчи” даражали сертификатлар** берилди;

в) Агентлик тизимидаги таълим муассасаларининг халқаро миқёсда тан олинмаган “Илғор ўқитувчи”, “Устоз ўқитувчи” ёки “Профессионал ўқитувчи” даражали сертификатни олган педагог кадрларига қуйидаги миқдорда қўшимча ҳақ тўланади:

“Илғор ўқитувчи” даражали сертификатни олган педагог кадрларга уларнинг базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик **50 фоиз** миқдорига;

“Устоз ўқитувчи” даражали сертификатни олган педагог кадрларга уларнинг базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик **70 фоиз** миқдорига;

“Профессионал ўқитувчи” даражали сертификатни олган педагог кадрларга уларнинг базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик **100 фоиз** миқдорига;

г) Агентлик тизимидаги таълим муассасаларига “Илғор ўқитувчи”, “Устоз ўқитувчи” ёки “Профессионал ўқитувчи” даражали сертификатни олган педагог кадрларни уларнинг малака тоифасидан қатъи назар, **ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилди;**

д) Марказ Молия вазирлиги газначилик бўлимида шахсий газна ҳисоб рақамига эга бўлади ва унинг фаолияти Давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

е) Марказнинг маъмурий-бошқарув ходимлари, профессор-ўқитувчилари ҳамда методистлари Давлат тест марказининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари таъбиқ этилади;

ж) Марказга унга юклатилган вазифаларни бажариш учун таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи халқаро ташкилотлар билан махсус ахборот порталига эълол жойлаштириладиган энг мақбул тақлифлар танлови орқали тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳуқуқи берилди.

9. Агентлик (Х.Умарова):

а) раҳбар ва педагог кадрлар билим даражаси ҳамда касбий маҳоратини баҳолаш жараёнига таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи нуфузли халқаро ташкилотларни жалб қилсин;

б) Марказда таълим ташкилотларининг раҳбар ва педагог кадрлари учун **улзуксиз малака ошириш курслари ҳамда методологик ўқув семинарлари** ташкил қилсин;

в) **2022 йил 1 октябрга** қадар Агентлик тизимидаги таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини ўқитиш ҳамда уларнинг билим даражаси ва касбий маҳоратини баҳолаш чораларини кўрсин;

г) **2022 йил 1 сентябрга** қадар иқтисодий бошқаруви билан ишлансин **“Мактаб — Университет — Марказ”** яхлит улзуксиз таълим тизимини жорий қилсин ва мазкур тизим доирасида:

Агентлик тизимидаги таълим муассасаларининг давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва таълим дастурлари ўзаро узвий боғланган ҳолда ишлаб чиқилишини;

“Янги Ўзбекистон” университети ва Марказ томонидан Агентлик тизимидаги мактабларда маҳорат дарслари, тўғарақлар ва ёзги мактаблар ташкил этилишини;

“Янги Ўзбекистон” университети ва Марказнинг профессор-ўқитувчилари ҳамда иқтисодий талабалари Агентлик тизимидаги мактабларнинг таълим жараёнига кенг жалб қилинишини;

Агентлик тизимидаги мактабларнинг ўқитувчилари “Янги Ўзбекистон” университети ва Марказга стажировка ўташга жалб қилинишини;

Марказ томонидан фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказишда ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этишда Агентлик тизимидаги таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларининг фаол иштирокини таъминласин.

Агентликка заруратга қараб бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан Марказнинг худудий филиалларини очошига рухсат этилсин.

10. Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари Агентлик билан биргаликда ваколатхоналарга бириктирилган худудларда жойлашган Агентлик тизимидаги таълим муассасаларига хорижий илғор тажрибаларини жорий этиш мақсадида:

Агентлик тизимидаги таълим муассасаларига халқаро таълим дастурлари буйича малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда таълим жараёнини такомиллаштириш;

ўқитувчилар ва ўқувчиларни тажриба алмаштириш дастурлари буйича хорижий таълим муассасаларига юбориш;

нуфузли халқаро олий таълим муассасалари грант дастурлари асосида битирувчиларнинг таълим олишига қўллаш;

ривожланган давлатлар билан таълим ва илм-фанни такомиллаштириш борасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

дунё миқёсида тан олинган, ахборот-коммуникация технологиялари, тиббиёт, экология, муҳандислик ва бошқа соҳалардаги етакчи ташкилотлар билан Агентлик тизимидаги таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва янада ривожлантириш;

Агентлик тизимидаги таълим муассасаларида фаолият юритаётган маҳаллий мутахассисларнинг хорижий илғор таълим муассасаларида малака ошириши ва стажировка ўташини ташкил этиш;

ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг халқаро конференциялар, анжуманлар, фан олимпиадалари, танловлар, ихтисосликка оид кўргазмаларда иштирок этишига қўллаш;

Агентлик тизимидаги таълим муассасалари кутубхоналарини етакчи хорижий ахборот-кутубхона ресурслари фондларига улаш, уларни хорижий адабиётлар билан бойитиб бориш, ўқитувчилар ва ўқувчиларга ушбу кутубхона ресурсларидан кенг фойдаланиш учун имконият яратиш чораларини кўрсин.

11. Агентлик тизимидаги таълим муассасалари фаолиятини самарали ташкил этиш буйича “йўл харитаси” 6-илоvага мувофиқ тасдиқлансин.

Агентлик (Х.Умарова) бошқа вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда “йўл харитаси”да назарда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминласин.

12. Агентликнинг:

Агентлик марказий аппарати тузилмасида соғлом овқатланишни ташкил этиш шўъбаси, ички аудит хизмати, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган мактаблар билан ишлаш бўлимини очиш ва Агентликнинг умумий чекланган штат бирикларини сонини 80 нафар этиб белгилаш;

Агентлик ташкилий тузилмасида юридик шахс мақомига эга бўлган ва ҳар бири 4 та штат биригидан иборат 13 та худудий бўлиmlарини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик марказий аппарати ва худудий бўлиmlар учун зарур бўлган 67 та штат биригининг 50 таси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги, 17 таси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги тегишли штат бирикларини мақбуллаштириш ҳисобига шакллантирилади;

Агентлик худудий бўлиmlари ходимларига Агентликнинг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари қўлланилади.

13. Агентлик (Х.Умарова) **икки ой муддатда** Агентлик ва унинг худудий бўлиmlарига зарур билим ва салоҳиятга эга малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни ишга жалб қилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **2023 йил 1 январга қадар** маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Агентлик худудий бўлиmlарини биттадан енгил автомобиль билан таъминлаш чораларини кўрсин.

14. Халқ таълими вазирлиги тизимидаги айрим фанлар чуқур ўқитиладиган синфлари мавжуд умумий ўрта таълим мактаблари (кейинги ўринларда — фанлар чуқур ўқитиладиган мактаблар) ҳамда мактаб-интернатлар фаолиятини ташкил этишининг шундай тартиби ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2022/2023 ўқув йилидан бошлаб:**

фанлар чуқур ўқитиладиган мактаблар ҳамда мактаб-интернатлар босқичма-босқич умумий ўрта таълим мактаблари сифатида қайта ташкил этилади;

фанлар чуқур ўқитиладиган мактаблар ҳамда мактаб-интернатлар фаолияти ушбу мактабларда ихтисослаштирилган дастурлар асосида таълим олаётган ўқувчилар ўқишини битиргунига қадар давом эттирилади;

фанлар чуқур ўқитиладиган мактаблар ҳамда мактаб-интернатларнинг раҳбарларига ҳамда ихтисослаштирилган фанлардан дарс ўтганлиги учун педагог кадрларига амалда белгиланган қўшимча устама ҳақлар ушбу мактаблардаги ихтисослаштирилган синфлар фаолияти тугатилгунига қадар сақлаб қолинади;

мактаб-интернатларда ўқувчилар белгиланган тартибда ётоқхона ва озиқ-овқат билан таъминланади;

фанлар чуқур ўқитиладиган мактаблар ҳамда мактаб-интернатларда лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказиш, шунингдек, айрим фанларни чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиш учун ихтисослаштирилган фанлар икки гуруҳга бўлиб ўқитиши мумкин;

кейинги ўқув йилларида фанлар чуқур ўқитиладиган мактаблар ҳамда мактаб-интернатларнинг ихтисослаштирилган дастурлар асосида таълим берилмаган синфларига қабул амалга оширилмайди.

15. Вазирлар Мақамаси **икки ҳафта муддатда** Агентлик тизимидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган мактаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

16. Молия вазирлиги (Т.Ишметов) мазкур Фармонга мувофиқ янги ташкил этиладиган таълим муассасаларининг таъминоти учун зарур харажатларни:

2022 йилда Агентлик тизимида ўтказилаётган таълим муассасаларининг юқори турувчи биринчи даражали бюджет маблағлари олувчиларида бўшайдиган бюджет маблағлари ҳамда Агентликка Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирсин;

2023 йилдан бошлаб белгиланган тартибда Давлат бюджетни параметрларидан назарда тутиш.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қўғоқларига 7-илоvага мувофиқ ўзгартириш ва қўшим

# АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала — тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлашга оид бўлди.

Сўнгги вақтларда айрим ҳудудларда тадбиркорлар фаолиги пасайгани, улар кредит, солиқ ва инфратузилма билан боғлиқ қийинчиликларга учраётгани кўрсатиб ўтилди.

Шу боис, давлатимиз раҳбари тадбиркорларга рағбат ва мадад бўладиган кўплаб ташаббусларни илгари сурди.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига қўшимча маблағ ажратиш ҳамда молиявий ёрдамлар самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатма берилди.

Хизматлар соҳаси учун тижорат банклари орқали тадбиркорларга 5 миллиард сўмгача кредитлар ажратилиши белгиланди. Бунда, кредит ставкаси, Тадбиркорлик жамғармаси компенсациясини ҳисобга олган ҳолда, 18 фоиздан ошмайди.

Шу билан бирга, вилоятларда кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун 300 миллион доллар ресурслар берилди. Бу маблағ тадбиркорлар учун энг яхши шартлар таклиф қилган банкларга 7 йил муддатга 10 фоиз ставкада миллий валютада жойлаштирилади. Бунда, тадбиркорга тақдим этиладиган кредит ставкаси 14 фоиздан ошмайди.

Экспортчи корхоналарнинг муаммолари таҳлил қилиниб, қўшимча имкониятлар белгиланди. Энди уларга қўшилган қиймат солигини қайтариш бўйича соддалаштирилган механизм жорий этилиб, 80 фоиз маблағлар қўшимча текширувларсиз 7 кун ичида қайтариб берилди.

Экспорт масалаларини доимий ўрганиб, уларни тезкорлик билан ҳал қилиш бўйича янги тизим яратилди. Узлуксиз ва доимий ишловчи штаб тузилди, "1094" рақамли "колл-марказ" ташкил этилади. Улар асосида мутасаддилар экспортчилар билан учрашиб, муаммоларини жойида ҳал қилиб боради.

Тадбиркорлик учун ер участкаларини аукционга чиқариш ҳам доллар масала. Шу боис, бу борада Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ишчи гуруҳ тузилди. У бундан ташқари "маҳаллабай" аниқлаш, профессионал ташкилотларни жалб қилиб, лойиҳаларни шакллантириш, ер участкаларини тадбиркорларга жозибадор қилиб сотиш ишларини мувофиқлаштирилади.

Президентимиз 2022 йил 1 июндан тадбиркорлар учун солиқ маъмурчилиги ва текширишлар тизимини соддалаштириш вазифасини қўйди.

Авваломбор, мол-мулк солигини ҳисоблаш тизими бозор тамойилларига ўтказилганини инобатга олиб, самарасиз ишлатилаётган объектлар бўйича таъсирчан солиқ механизминини (қўшимча юқори солиқ ставкалари) қўллаш тартиби бекор қилинди.

Шунингдек, айланмаси 1 миллиард сўндан ошган тадбиркорларга қўшилган қиймат солиғи тўловчисига гувоҳнома маси дастлабки ўрганишсиз, автоматик тарзда берилди.

Жорий йилда тадбиркорлар фаолиятини яхшилатиш учун ошгани кўриб чиқилди. Асосий аралашувларнинг олдини олиш учун энди 22 та турдаги текширув фақат Бизнес-омбудсман рухсати билан амалга оширилиши белгиланди.

Рухсатнома бериш талабларини ҳам янада соддалаштириш зарурлиги таъкидланди. Умумий овқатланиш муассасалари учун санитария талабларини қайта кўриб чиқиб, эскирган

талабларни бекор қилиш, етказиб бериш хизматлари билан шуғулланувчилар учун енгилликлар жорий этиш вазифаси қўйилди.

Йиғилиш сўнггида давлатимиз раҳбари жамоатчилик эътиборини маблағлардан оқилона фойдаланиш масаласига қаратди.

— Бугун тадбиркорлик учун жуда катта кредит маблағлари — қўшимча 500 миллион доллар ажратилмоқда. Нима учун? Чунки қанчалик қийин бўлмасин, ҳозирги мураккаб вазиятда халқимиз фаровонлигини, давлатимизнинг барқарор ривожланишини ўйлашимиз шарт. Ажратиладиган ҳар бир доллар, ҳар бир сўм — бюджетданми, банкданми — бу ҳаммаси халқнинг пули, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маблағларни ўзини оқлайдиган, одамларнинг даромадини оширадиган ва иш ўринлари яратадиган лойиҳаларга йўналтириш бўйича қатъий кўрсатмалар берилди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган иккита соҳа бўйича ҳокимлар "йўл хариталари" асосида аниқ режаларини баён қилди.

ЎЗА

# ТАНИҚЛИ УЛАМО, ЖАМОАТ АРБОБИ НАСРИДДИН АТОЕВ



Н.Атоев муқаддас динимиз асосларини, араб ва форс тилларини чуқур эгалаб, 1992-2003 йилларда Навоий вилояти Нурота тумани "Чил устун" масжидида имом-хатиб, 2003-2010 йилларда вилоят бош имом-хатиби, 2010 йилдан буён вилоят фахрий имоми, шунингдек, Навоий вилояти "Чашма" табиий-меъморий мажмуасига меҳр қўйиб, 2018 йилдан Навоий вилояти дирекцияси директори вазифасида фаолият юритиб келаётган эди.

Насриддинхон эшонбобо ҳаёти давомида 60 нафардан ортиқ шогирдлар етиштирган бўлиб, уларни ҳақиқий ватанпарвар сифатида жамиятда ўз ўрнини топишларига алоҳида эътибор қаратиб келди.

Диний билим ва тафаккурнинг кенглиги, она юртимизга, истиқлол ғояларига садоқати, жамоат ишлари, айниқса, маънавий-маърифий тарғибот соҳасидаги фидойилиги билан қўнчиликка ибрат ва намуна бўлган Насриддинхон эшонбобо сўнгги йилларда диний ва миллий қадриятларимизни асраб-авайлашга, зиёратгоҳларимизни обод қилишга катта эътибор қаратиш билан бирга, ҳудуддаги аҳоли ўртасида диний-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда алоҳида фаоллик кўрсатди.

Мамлакатимиз диний соҳаси оғир жудолликка учради. Юртимизда кўп йиллар давомида исломий илм-маърифат тартиби келаётган халқимизнинг эътиборли уламоларидан Атоев Насриддинхон Мубинжон ўғли 2022 йил 15 апрелда, муқаддас Рамазон ойининг муборак жума кунинда 64 ёшида вафот этди.

Халқимизда эшонбобо номи билан машҳур бўлган Насриддинхон 1958 йил 15 май кун Навоий вилояти Нурота туманида туғилди. Болагидан бошлаб имон-эътиқодли оилада тарбия топди, диний илмларни чуқур ўрганган Н.Атоев мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ўз ҳаётини диний қадриятларимизни тиклаш ва тарғиб этишга бағишлаб, бу соҳада алоҳида жонбозлик кўрсатди.

Олий диний билим олиш мақсадида Тошкент ислом институтига ўқишга кирди ва 1996 йили муваффақиятли тамомлади.

Насриддинхон эшонбобонинг умри ҳам илм ва ҳикматда ўтди. Илм ва эзгуликка баҳишда бўлган ҳаёт асрларга татийди. Чунки бу инсон одамларга яхшилик улашиш, муқаддас зиёратгоҳларни обод этиш, Навоий халқининг маърифати йўлида фидоқорона меҳнат қилди. Зеро, Пайғамбар алайҳиссалом ҳам, "Сизларнинг яхшиларингиз, умри узоқ бўлиб, амаллари яхши бўлганингиздир", деб айтганлар.

Насриддин Атоевнинг тақводорлиги, гўзал хулқи, шогирдлари ва сафдошларига нисбатан самимий муомаласи, холис насихати барчанинг қалбига чуқур из қолдирди.

Таниқли уламо, ёшларнинг меҳрибон устози, камтарин инсон қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ушбу мусибат дамларига марҳумнинг аҳли оиласи, ақинларига сабр тилаймиз ва чин дилдан ҳамдардлик билдирамиз.

Инна лиллаҳи ва инна илайҳи роҷиъун!

"Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз У Зотга қайтувчимиз".

**Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши ҳамда Дин ишлари бўйича қўмита жамоаси**

## МУНОСАБАТ

# ЎЗБЕКИСТОН IT АУТСОРСИНГИ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗГА АЙЛАНДИ

**Шерзод ШЕРМАТОВ, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазир**

Бугун ҳеч бир соҳа ривожини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аҳолининг ҳам бу имкониятлардан фойдаланишга талаби кундан-кун ортмоқда. Ўтган даврда бу бўйича муайян ижобий натижаларга эришилди. Жумладан, шу йил бошида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан уч баробар қўп, яъни қўшимча 2,8 мингта мобиль алоқа таянч станцияси ўрнатилди. Мамлакатимиз бўйича мобиль алоқа камрови даражаси 99 фоизга, кенг полосали мобиль интернет қамрови 96 фоизга етказилди. Юқори тезликда ишловчи мобиль интернет фойдаланувчилари сони 712 мингтага ошди.

Куни кеча давлатимиз раҳбари раислигида ахборот технологиялари соҳасидаги натижалар ва жорий йилги вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда соҳадаги қатор камчиликлар кўрсатиб ўтилди, барча тармоқ ва ҳудудларда рақамлаштиришни жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди. Хусусан, мамлакатимизни минтақавий ахборот технологиялари марказига айлантириш бўйича вазифа белгилаб берилди.

Беш йил аввал бундай вазифани хаёлга ҳам келтириб бўлмас эди. Ахборот технологиялари экспорти ҳажми атиги 600 минг АҚШ долларига тенг эди. Соҳага қаратилган эътибор натижасида ўтган йилги экспорт

ҳажми 46 миллион АҚШ долларига етди. Жорий йил бу кўрсаткични 100 миллион, яъни икки-уч йилда 500 миллион АҚШ долларига етказиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон МДҲда мустақилликка эришгандан бери аҳолиси энг кўп усган мамлакатдир. Бунинг устига, океанга чиқиш учун камида иккита давлатдан ўтишимиз керак. Бу эса моддий экспорт учун транспорт харажати ошишига сабаб бўлади. Демак, асосий умид сервис соҳаси экспорти, хусусан, IT аутсорсингидир. Шу боис, юртимизни IT аутсорсинги бўйича минтақавий марказга айлантириш зиммамиздаги энг катта ва масъулиятли вазифа бўлиб қолади.

Ҳозир ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари учун мамлакатимизда қулай шарт-шароит яратилган. Етакчи аутсорсинг компаниялар ўз офисини кенгайтирмоқда. Уларнинг ижобий тажрибасини ўрганиб, бошқа йирик IT компаниялар ҳам Ўзбекистонда фаолият бошлашни режалаштирипти. Айни пайтда юртимизга кириб келган ахборот технологиялари мутахассислари сони 3 мингдан ошди. Уларнинг 2 минг нафари "TashRush" дастури доирасида келган бўлиб, ҳозир IT парк резидент-компанияларида фаолият юритмоқда.

Йиғилишда вилоятларда ВРО (масофавий хизматлар) марказлар тузиш бўйича зиммамизга алоҳида вазифа юкланди. Бунинг учун чет тилни билиш зарур. Агар фарзандларимиз Тошкентда туриб АҚШдаги юк ташиш машиналарига диспетчерлик қилаётган бўлса, нега шу ишни Жиззах ёки Мўйноқда туриб амалга ошириб бўлмайди, деган масала ўртага қўйилди. Жорий йил охиригача юртимиздаги 14 та ҳудудда ВРО марказлар ташкил этиш ва Жаҳон банки билан биргаликда ишни тезлаштириш бўйича топшириқ берилди.

Жаҳон банки билан бирга амалга оширилаётган "Ўзбекистонда рақамли инклюзия" лойиҳасининг асосий вазифаси келгуси беш йилда 100 та масофавий хизматлар экспорти марказини ташкил этиш, уларни замонавий талаблар асосида жиҳозлаш

ва юртимизга хорижий мижозларни жалб этишдан иборат. Бу эса 35 минг ёшни юқори маошли иш билан таъминлаш имконини беради.

Йиғилишда соҳадаги яна бир устувор вазифа — ўқитиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Бугун иқтисодиётни рақамлаштириш учун яна 12 минг нафар юқори малакали мутахассисга талаб борлиги қайд этилди. Шунинг учун Тошкент ахборот технологиялари университетини илмфан ва таълим кластерига айлантириш, замонавий IT парк университетини ташкил этиш таклифи билдирилди. Бу соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш баробарида ёшларнинг юқори даромад олиш имкониятини кенгайтиради.

Айни пайтда хусусий ташкилотлар томонидан ахборот технологиялари таълимига инвестиция қилинаётгани ва ҳар йили мингдан ортиқ битирувчини чиқариш имкониятига эга бўлган IT академиялар ташкил этилаётгани соҳага қаратилган юксак эътибордан далолат.

Жумладан, йирик компаниялардан бири бўлган "Erat" ташкилоти маҳаллий кадрларни тайёрлашга инвестиция қилмоқда. Жорий йилда ахборот технологиялари парки ва мазкур ташкилот билан ҳамкорликда 10 минг нафаргача битирувчини чиқариш имкониятига эга бўлган онлайн университет — "IT Park University" очилиши режалаштирилган.

# АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Президент Шавкат Мирзиёев 14 апрель куни ахборот технологиялари соҳасидаги натижалар ва жорий йилги вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

**"Рақамли Ўзбекистон — 2030" дастурини амалга ошириш бўйича:**

Бир ой муддатда ҳам вазирлик ва ҳудудлар билан биргаликда лойиҳа режалари қайта кўриб чиқилади;



Йил якунига қадар жами **404** та ҳудудий, **133** та тармоқ лойиҳалар ишга туширилади;

Йил якунигача пенсияга ариза бериш, шахсий гувоҳнома олиш, сугурталаш каби **50** та хизматнинг мобиль иловаси яратилиб, уларнинг сони **150** тага етказилади.

1-ярим йилликда **30** та, йил якунигача **40** та давлат хизматлари ағона порталга киритилади;

Шу орқали давлат хизматидан онлайн фойдаланувчилар сони ҳозирги **1,5** млн.дан **4,5** млн.га етказилади.

**Телекоммуникация тармоғини кенгайтириш ва унинг узлуксиз ишлаши учун йил якунига қадар:**

**6 800** та янги мобиль станция ўрнатилади ва **80** та олис қишлоқ алоқа тизимига уланади;



Қўшимча **800** минг хонадон юқори тезликдаги интернетга уланади;

Республика бўйича оптик топали алоқа қамрови **80%** га етказилади

**60%** магистрал йўллар мобиль интернет билан таъминланади.

1 сентябрга қадар Тошкент вилоятида республикада илк бор юқори қувватли Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш маркази ишга туширилади.

**Энг асосий вазифа — Ўзбекистонни минтақавий IT марказга айлантириш**

IT экспорти йил якунига қадар камида **100** млн. долларга етказилди

Ички IT хизматлар ҳажми йилга камида **50%** га ўсиши таъминланади

Жаҳон IT бозоридидаги камида **30** та йирик компанияларнинг мамлакатимизда фаолиятини йўлга қўйиш чоралари кўрилади;

1-ярим йилликда **6** та, йил якунигача яна **8** та масофавий хизматлар маркази ташкил қилиниб, хориждаги буюртмалар олиш йўлга қўйилади;

Жорий йилда **6** та ҳудудда IT парклар тўлиқ ишга туширилади, қолганларида камида **20** тадан компаниялар фаолияти йўлга қўйилади ва **5** минг нафар ёшлар юқори даромадли иш билан таъминланади.

## ЭЪТИРОФ

# ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

## ИНСОН ҚАЛБИНИНГ МУҲАНДИСЛАРИ



Озodbек НАЗАРБЕКОВ,  
маданият вазири

Кейинги беш йилликда мамлакатимизда санъат ва маданият соҳасида мисли кўрилмаган ислохотлар амалга оширилди. Мухтарам Президентимизнинг санъат ва маданиятга бўлган меҳри, эътибори ушбу соҳани қайтадан оёққа қўйди, деб бемалол айта оламиз. Энг аввало, мақом ва бахшичилик санъатини ривожлантириш, маданият ва санъат соҳасидаги таълим жараёнини замон талаблари асосида ислохот қилиш борасида олиб борилаётган ишларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Шу билан бирга, халқимизнинг чуқур меҳрига сазовор бўлган Мукаррама Турғунбоева номидаги “Баҳор” давлат рақс ансамблининг қайта ташкил этилиши ва моддий-техник базасининг мустаҳкамлаши, яна бир бора айтаман, маданият ва санъат соҳасини чиндан оёққа тургазди. Соҳа вакиллари моддий рағбатлантириш, маънавий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам тизимли ислохотлар амалга оширилган биз, ижодкорларга жуда катта руҳ бағишламоқда. Айниқса, бугун маданият ва санъат соҳасида фаолият кўрсатаётган ижодкорларнинг олийк маошлари оширилиши уларга катта руҳ бағишлаб, ўз касбига бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди.

15 апрель санаси юртимизда Маданият ва санъат ходимлари кўни этиб белгиланганлиги ҳам давлатимиз раҳбарининг ушбу соҳа вакилларига юксак эътибори ва меҳридан дарак беради. Нафақат мен, балки юртимиздаги барча санъаткорлар мана шу кутлуғ кўни нихоятда орзу қилганмиз. Мана, бугун бизнинг кўнлимиздаги ана шу эзгу орзу ушалди. Буни қарангки, нафақат соҳа вакиллари, балки бутун санъатсевар халқимиз ҳам ушбу байрамни катта мамнунияти ва қониқиб билан кўтиб олди. Республикаимизнинг энг чека худудларида ҳам мана шу кутлуғ айёмга бағишланган сайиллар, концертлар, қизиқарли томошалар кўтаринки кайфиятда ўтказилди.

Мухтарам Президентимизнинг байрам муносабати билан маданият ва санъат соҳаси вакилларига табрик йўллаганлари эса бизга ўзгача куч-ғайрат, шижоат ва илҳом бағишлади. Мухтарам санъат саройида ушбу табрик сўзлари ўқилаётган лаҳзаларда барча ижод аҳлининг кўнгли қувонч ва шукроналик туйғуларидан ёришиб кетганини алоҳида таъкидламоқчиман. Биз, санъаткорлар ҳаммиша эл-юрт хизматида шаймиз. Бундай шарафли йўлда туни кунга улаб меҳнат қилишдан, ижод намуналарини тақдим этишдан сира толмаймиз.

Биз бугунги тинч ва осойишта, бунёдкорлик руҳи устувор бўлган тарихий даврда яшаб, жонажон Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишга ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз. Бугун кимки она халқи, Ватани учун чин дилдан хизмат қилса, ўша инсон, албатта, кадр топмоқда. Ана шу заҳматқаш ва фидойи инсонлар каторида биз — маданият ва санъат соҳаси вакиллари ҳам қадрандик, эъзоз топдик. Ва мана шу юксак эътироф, маданият ва санъат соҳасидаги мисли кўрилмаган ислохотлар, бугунги кутлуғ байрам учун барча ижодкорлар номидан, шахсан ўзим номидан мухтарам Президентимизга миннатдорлигимни изҳор этаман.



“Нихол” мукофоти танлови 2000 йилдан жорий йилга қадар 16 марта ўтказилиб, уларда 207 нафар ёш истеъдод эгаси совриндор бўлган. Кейинчалик улар орасидан 2 нафар Ўзбекистон халқ артисти, 19 нафар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 5 нафар Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, 3 нафар “Шуҳрат” медали соҳиби, 2 нафар “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали совриндорлари етишиб чиқди.

### Эътибор ва эътирофнинг юксак намунаси

Ҳар қандай мамлакатни дунёга танитишда, ёш авлодни миллий қадрият ва анъаналар руҳида тарбиялашда санъатнинг роли катта. Ҳозирда тилга олинган тарихий учрашувдан сўнг мазкур йўналишда туб ислохотларга киришилди. Чунноқ, алоҳида иқтидор талаб этилаётган олийгоҳлар учун кириш имтиҳонларини ижодий суҳбат шаклида ташкиллаштиришга, болалар мусиқа ва санъат мактабларига халқ сўйган маданият ва санъат даргалари раҳбар этиб тайинлаштиришга, республика даражасидаги маданият ва санъат муассасаларининг иқтисоди мустаҳкам идоралар жамоалари билан “Дўстлик клублари” шаклида фаолият кўрсатишга имконият

таъкидлаганидек, халқимизнинг маънавий камолотида ижодкорларнинг хизмати беқиёс, тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида барча соҳалар вакиллари қатори маданият ва санъат аҳлидан ҳам янада фаоллик, янги-янги ижодий ғоя ва ташаббуслар билан яшаи, изланиш талаб этилади, — дейди анъанавий ижрочилик йўналишида “Нихол” мукофоти совриндори Лайло Халипова.

Илоҳий кучнинг, беназир мўъжизанинг тисмоли санъат, мақом эса мана шу илоҳийликнинг олий даражадаги кўринишидир. Неча асрлардан бери мумтоз куй-қўшиқларимизни ардоқлаб келаётганимиз, ўзликни, миллийликни англаш мезони саналмиш мақомни келгуси авлодга безавол етказмоқ ниятида давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йил 17 ноябрда қабул қилинган “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарор миллий мусиқа санъати, мақом

### Эзгу ишлардан илҳом олиб

— Мухтарам Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида ўтказилган йўналишда менинг Термиз шаҳридаги бахшичилик мактаби ўқувчилари учун ётоқхона қуриб бериш ҳақида билдирган тақлифим инobatга олинганидан бошим кўкка етганди, — дейди “Нихол” мукофоти совриндори Абдурахмон Абдуназаров. — Президентимиз менга Бўзтовда бўлиб ўтказилган “Республика ёшлар овози” фестивалида омад тилаганидан ўшанда. Давлатимиз раҳбарининг ишончини оқлашга муваффақ бўлганимдан хурсандман.

“Нихол” мукофотини қўлга киритишим эса яна бир юксак эътироф бўлиди. Аслида, кейинги йилларда анча эътибордан четда қолган бахшичиликни ривожлантириш борасидаги ишлар бизга куч, илҳом берапти. Бу йўналишга дахлдор бир нечта фармон ва қарорлар имзолангани, уларнинг ижроси таъминланаётганидан барча бахшлар чексиз миннатдор.

Келажакда бобом Абдуназар бахши Поёнов каби эла муносиб хизмат қилиб, ЮНЕСКОнинг репрезентатив руҳиятидан жой олаб бу ноб миллий меросни янада ривожлантиришга ҳисса қўймоқчиман.

Бахшичилик санъати азим Жайхун ва Сайхун дарёлари оралиғида оламшумул цивилизациялар яратган отабобларимиздан бизга мерос қолган буюк миллий қадриятдир. Президентимизнинг “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари юртимиздаги бахши, оқин ва жировларнинг юрагига ўзгача сурур бахш этгани бор гап.

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтида “Бахшичилик ва достончилик” таълим йўналиши бўйича иқтидорли талабалар ўқишини бошлагани, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг

малакасини ошириш тармоқ марказида болалар мусиқа ва санъат мактабларида фаолият кўрсатаётган бахши педагоглар тизимли малака ошираётгани келажакда янги-янги истеъдодларни кашф этишга ёрдам бериши тайин.

Бахшичилик санъатини ривожлантириш ва тарғиб этиш мақсадида қатор тадбирлар ташкил этиб келинмоқда. Жумладан, 2019 йил 5-10 апрель кунлари Термиз шаҳрида, 2021 йил 13-17 сентябрь кунлари Нукус шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестиваллари бўлиб ўтди.

Шу кунга қадар бу йўналишда 2 та халқаро илмий-амалий конференция, республика миқёсидаги 2 та илмий-амалий анжуман, ўқув семинарлар ҳамда ўнга яқин кўрик-танлов ташкил этилди. Бахшичилик санъати оид 8 та илмий қўлланма, 4 та рисола, 5 та достон, 7 та терма чоп этилди. Бахши, оқин ва жировларимиз тилидан ёзиб олинган 24 та достон ва 1 та терма нашрга тайёрланди.

Бугунги кунда юртимиздаги мавжуд болалар мусиқа ва санъат мактабларида 107 та бахшичилик синфи мавжуд. Уларда 235 бахши ўқитувчи 1350 нафардан ортиқ ёшга бахшичилик санъати сирларини ўргатиб келмоқда. Шунингдек, маданият марказлари хузурида 32 та бахшичилик тўғраги фаолият юритмоқда.

Бахшичилик соҳасида олий таълим олиш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтида “Бахшичилик ва достончилик” таълим йўналиши бўйича 2020-2021 ўқув йилида 27 нафар, 2021-2022 ўқув йилида 16 нафар иқтидорли ёш талабалikka қабул қилинди.

Шунингдек, болалар мусиқа ва санъат мактабларида ишлаётган бахши педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида ўтган йили 56 нафар, жорий йилда 48 нафар бахши ўқитувчининг малакаси оширилди.

Бахшичилик халқ озаки ижодининг ёрқин намунаси. Унда халқнинг ўтмиши, руҳияти, менталитети, қадриятлари, урф-одат ва анъаналари акс этади. Шу боис, ушбу ноб санъат мавжуд бўлган, барча элларда у номдоҳи маданият мерос сифатида муҳофиза қилинади, бахши-шоирлар эса юксак қадрланади. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг, “Бахшилар нафақат халқ ўтмишининг акс-садоси, айна пайтда бугунги куннинг ҳам жарангдор овозидир”, деган гаплари айна ҳақиқатдир.

### Санъатнинг энг нодир намуналаридан баҳрамандмиз

Ўзбек эстрадаси миллий киёфасининг асосчиси, серкира ижодкор, драматургия, режиссура, кино, проза, тасвирий санъат фидойиси Ботир Зокировнинг XX аср замонавий ўзбек мусиқа санъатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаргани, республикада “Музихол” сингари етук эстрада жамоасини ташкил этгани муҳлисига маълум. Романслар, опералар, арияларни юксак маҳорат билан ижро этган таниқли санъаткорнинг хинд, эрон, тожик, араб, украин, итальян, рус, француз тилларидаги қўшиқлари жаҳон мусиқа маданиятида ўз ўрнини топган.

Давоми 5-бетда

Бошланғич 1-бетда

Истеъдод ҳаммиша эътиборга эҳтиёж сезади. Мамлакатимизда истеъдод эгаларини аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масалалари маънавий-маърифий жабҳаларда кечаётган ислохотлар жараёнида устувор ўрин эгаллайди. Бу жиҳатлар ёш истеъдодлар учун таъсис этилган “Нихол” мукофоти соҳиблари ижодида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Айни мукофот мусиқа санъатининг турли йўналишларида ғайрат билан ижод қилаётган ёш йигит-қизларни халқимизга танитиш, улар ижодини янги, янада юқори савияга кўтаришга яқиндан кўмаклашишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

— Танловнинг туман (шаҳар) босқичларида 14 мингдан зиёд, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичларида 4 минг, якуний республика саралаш босқичида 173 нафар номзод иштирок этди, — дейди Маданият вазирилик бош мутахассиси Нодир Содиқов. — Уларнинг ижодий чиқишлари ҳаққоний баҳолашиб, “Мусиқа ижрочилиги” йўналиши бўйича 19 нафар, “Рақс санъати” йўналиши бўйича 9 нафар, “Мумтоз кўшиқ” йўналиши бўйича 10 нафар, “Опера ижрочилиги” йўналиши бўйича 9 нафар ва “Эстрада санъати” йўналиши бўйича 17 нафар (жами 64 нафар) номзод танловнинг якуний босқичига тавсия этилди. 2021 йил август ойида “Туркистон” санъат саройида “Нихол” мукофоти танловининг республика финал босқичи ўтказилган эди.

Ғолибларни аниқлашда номзод истеъдоди ва ижро маданиятининг ўзига хослиги, бадий маҳорати ва савияси, миллий санъатимизнинг юксак намуналаридан бохабарлиги билан алоҳида ажралиб туриши, халқимиз маънавиятини юксалтириш, мустақиллик ғояларини, жамиятимизда амалга оширилаётган маданий-маърифий ислохотлар

моҳиятини санъат воситасида тарғиб этишга хизмат қилишига асосий тамойил сифатида эътибор қаратилди.

Тавсия этилган ишларни кўриб чиқишда номзоднинг профессионал тайёргарлиги, бадий ижрочилик маҳорати, репертуар савияси (мусиқа, матн), ижтимоий фаоллиги, инсоний фазилатлари мутахассислар томонидан юқори баҳолангани, жамоатчилик томонидан эътироф этилгани инobatга олинди. Шунингдек, мумтоз кўшиқ, мусиқа ижрочилиги, эстрада, опера, рақс соҳасидаги ижодий ишларни баҳолашда номзодларнинг мамлакатимиз ва хориждаги кўрик-танловларда эришган утуқлари ҳам ҳисобга олинди.

Дарҳақиқат, танлов ғолиблари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, рақслар ёшларни эзулиқчи, Ватан олдидаги масъулиятини, эл-юрт, жамият, санъат илҳомландири олдиди ижтимоий бурчини теран англайдиган, чин маънодаги истеъдод соҳибларини аниқлашга жиддий ёндашилганининг яққол ифодаси бўлди.

Шу билан бирга, иштирокчиларнинг инсонийлик ва ватанпарварлик фазилати, репертуари савияси, профессионал тайёргарлик даражаси, интилишига катта аҳамият қаратилгани тадбирнинг ўзгача руҳда ўтишига замин яратди. — Давлатимиз раҳбари 2017 йил 3 августда бир гуруҳ ижодкор зиёлилар билан учрашувда таъкидлаганидек, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар онгу шуруни турли зарарли ғоялар таъсиридан ишончли ҳимоялашда ижод аҳли, жумладан, санъатга энди қадам қўяётган ёш ижрочилардан ҳам катта масъулият талаб этилаётганини бугун замоннинг ўзи кўрсатиб турибди, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов. — Ушбу танловнинг саралаш босқичларидан ўтган чин истеъдод соҳиблари бугун халқимизга ижодий ҳисобот бermoқда.



### Илоҳий куч ва беназир мўъжиза

— Бундай юксак мукофотга сазовор бўлганимдан чексиз ғурурланамиз. Бу менга келажакда ижодимни янада ғайрат билан давом эттиришга туртки бўлади. Зеро, Президентимиз

санъати саҳифаларига олтин харфлар билан ёзилди. Мунтазамлик касб этган Халқаро мақом санъати анжуманлари эса ушбу нодир санъат байрамни дунё эътиборига хавола этди.

Ҳар гал мақом ашулаларини тинглаганимизда, куйлаганимизда, қалбимизга жо қилганимизда руҳиятимиз таскин топади. Илоҳий куч қалбимизни нурга тўлдирди. Бу нур маънавиятидир. Шу боис, давлатимиз раҳбари ўз маърузаларида ёшларимизни маънан кучли қилиб тарбиялашда миллий мусиқа санъатимиз хазинасини ўрганишимиз, изланишимиз зарурлигини кўп бора таъкидлайди. Янги Ўзбекистоннинг руҳи тоза, маънавияти юксак, дунёқараши теран авлоди етишиб келмоқда. Улар устозларимиз асраб-авайлаган санъатимизни ўрганишлари, муносиб давом эттиришлари керак.



ЭЪТИРОФ

# ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ



“**ЮНЕСКО** шафелигида Самарқанд шаҳрида икки йилда бир марта анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали нафақат Шарқ, балки бутун дунё санъатсевар халқлари ўртасида ижодий дўстлик ришталарини боғлаш, дунё тинчлиги, эллар аро дўстлик ва аҳилликни кенг тарғиб этишга хизмат қилаётгани, очиқ осмон остидаги музей саналмиш Самарқанд жаҳоннинг мусиқий пойтахтига, қадимий Регистон эса мусиқий саҳнасига айлангани айна ҳақиқатдир.



Бошланиш 1-4-бетларда

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори мувофиқ, Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурда Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти ташкил этилган, миллий эстрада йўналишида замонавий ижро намуналарининг “олтин фонди” яратилгани ҳам санъат ихлосмандларининг кўнглидаги гап бўлди.

2021 йил 16 октябрь куни эса Президентимизнинг “Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурдаги Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Миллий эстрада йўналишида ижрочилик мактабларини яратиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, миллий салоҳиятдан самарали фойдаланган ҳолда ушбу санъатни жадал ривожлантириш мақсадига ташкил этилган таълим муассасаси соҳа ривожига хизмат қилиши шубҳасиз.

— Мамлакатимизда маданият, санъат, таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий ва жаҳон санъатининг энг нодир намуналаридан баҳраманд этишдек эзгу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятли, — дейди “Нихол” мукофоти совриндори Райёна Шаробидинова. — Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институтининг биринчи босқич талабаси сифатида ёшлар учун ташкил этилаётган кўпжаб ижодий танловлар

## Жаҳон санъати оламида муносиб мавқе

— Болалигимдан мусиқага, айниқса, пианино чалишга жуда қизиқман. Бир неча халқаро ва республика кўриқ-танловларида иштирок этганман, — дейди “Нихол” мукофоти совриндори Махмуд Абдулазизов. — Менинг эришаётган натижаларимда устозим, профессор Наргиз Пулатованинг хизматлари жуда катта. У киши яна кўпжаб республика ва халқаро кўриқ-танловлар ғолиблари, лауреатларни камолга етказган. Умид қиламанки, “Нихол” мукофоти бўлгуси катта-катта ютуқларимизга дебеча бўлади. Бундай юксак эътироф бизни янги марралар сари илҳомлантиради. Ўз устимизда тинимсиз ишлаб, ижод қилсак, албатта, устозларимиз йўлидан бора оламиз. Ўтган йили Консерваторияни тамомлаб, айна пайтда ўзим ҳам юзлаб ўғил-қизларга фортепиано йўналишида сабоқ берарканман, устозлик нечоғлиқ шарафли мақом экани, шу билан бирга, зиммамизга ғоят катта масъулият юклашини чуқур ҳис қилганман. “Нихол” мукофоти мен учун туғанмас илҳом манбаи бўлишига ишонаман.

“**Мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, ўзбек миллий маданияти ва санъатининг жаҳон миқёсидаги нуфузини янада ошириш, ёш истеъдод эгаларининг қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида фидокорона меҳнат қилган ва юқори натижаларга эришган 250 нафар юртдошимиз айна байрам кунинда Маданият вазирлиги томонидан таъсис этилган “Маданият ва санъат фидокори” кўрак нишони билан тақдирланди.**



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 27 декабрдаги “Опера ва балет санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан санъатнинг ушбу йўналишини янада ривожлантириш, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри фаолиятини такомиллаштириш, унинг жаҳон санъати оламида тугган ўрни ва мавқенини мустаҳкамлаш вазифалари белгиланди.

Шунингдек, опера ва балет санъатини янада ривожлантиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Жумладан, республикада опера ва балет санъатини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида миллий опера ва балет санъатида устоз-шоғирд анъаналари ва маҳорат мактабларини ривожлантириш, опера ва балет санъатидаги истеъдодли ва юқори малакали ижодкорларнинг маҳорат мактабларини ташкил этиш, ана шундай мактаб яратган ижодкорларни давлат бюджети ҳисобидан асосий иш жойи орқали ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баробари миқдоридан қўшимча рағбатлантириб бориш ва бошқа чора-тадбирлар белгиланди.

— *Аслида мусиқа мактабиди дутор йўналишида таҳсил олганман. Операга қизиқиш менга онамдан ўтган. Чунки онам ҳам кўпжаб кўпжаб туради. Шунинг учунми, у киши опера хонандаси бўлишимни кўпроқ истаган, — дейди “Нихол” мукофоти совриндори Малика Акмалжонова. — Опера йўналишида бирон натижага эришиш учун жуда катта ижодий меҳнат, тинимсиз ишларни талаб этилади. Яқинда ёш вокал ижрочилари кўриқ-танловда лауреат бўлганимда бунга яна бир қарра амин бўлдим. Лауреатлик ва буғунги нуфузли мукофотга муносиблик учун устозларим — Ўзбекистон халқ артистлари Нормўмин Султонов, Муяссар Разоқовага чексиз миннатдорлик билдираман.*

Уларнинг меҳнатлари ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Ўзбек романсларини ҳам кўпжаб ўраётган. Айниқса, Мухтор Ашрафийнинг “Қашмир” романсини севиб ижро этаман. Бундан ташқари, италияча арияларни пухта ўраганимга ҳаракат қилганман. Немис, француз тилидаги арияларимиз ҳам бор.

## “Тановар”га хиром этар “Баҳор” қизлари

— Шундай нуфузли мукофотга лойиқ кўрилганимдан жуда хурсандман, — дейди “Нихол” мукофоти совриндори Дилбархон Комилжонова. — Устоз санъаткорларимиз кўлидан ушбу совринни қабул қилиб олар эканман, қувончдан кўзларимга ёш келди. Санъат ва маданиятга катта эътибор қаратилаётган, ижодкорлар қадрланаётган шундай юртда тутилганим, азиз устозларим сабоғи, ота-онамининг меҳри билан ўлғайганим менинг энг катта бахтимдир. Айни пайтда Ўзбекистон давлат хореография академиясининг 3-босқич талабасиман. Шунингдек, Президентимиз ташаббуси билан қайта ташкил этилган Мукаррама Турғунбоева номидаги “Баҳор” давлат рақс ансамблида фаолият олиб бораётганман. Мен танловда “Тановар” рақсини ижро этдим. Устозим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зиёда Мадраҳимованинг ушбу рақс сирларини астойдил ўраганимга ҳаракат қилдим.

Келгусида Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева репертуридаги “Муножат”, “Наманганнинг олмаси”, “Фаргона рубойиси” каби кўпжаб рақсларни ўрашиб, ўзбек рақс санъатини бутун дунёга намойиш этишни истаганман. Бу жараёнда менга сабоқ бериб келаётган устозларим — Ўзбекистон халқ артисти Қодир Мўминов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўғиллой Мухамедовага ҳам ўз миннатдорлигимни билдираман.

2020 йил 4 февраль куни Президентимизнинг “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги муҳим қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, Маданият вазирлиги ҳузурда Мукаррама Турғунбоева номидаги “Баҳор” давлат рақс ансамбли фаолияти қайта ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу соҳаларда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар, уларнинг ечими ҳақида очиқ-ойдин гапирди. Юртдошларимизнинг диди ва савиясини

## КЕЛАЖАККА ЙЎЛ БУГУНДАН БОШЛанаДИ

**Рустам АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси, профессор**



Санъат соҳасидаги 54 йиллик фаолиятим давомида қирқдан зиёд хорижий мамлакатда ижодий сафарда бўлдим. Лекин ҳеч бирида санъат аҳлига бу қадар иззат-икром кўрсатилганини кўрганам йўқ. Очиғини айтсам, шу хизматларим роҳатини фақат бугун кўриб тургандайман. Негаки, бизнинг соҳамизда байрам тантанаси биринчи марта нишонланди. Маданият ва санъат аҳли осмон қадар юксалгандай бўлди.

Мукофотлар, совринлар ўз йўлига. Ҳақиқатни очиқ айтадиган бўлсам, уларнинг ҳеч бири бугунги куннинг шавқини, завқини, ҳаяжонини бера олмайди. Бугун Ўзбекистонда биринчи бор маданият ва санъат аҳли ўз байрамини нишонлапти. Тўғриси, ҳозир гапиряпман-у, қалбим қувончдан энтиқиб кетяпти. Ёшим 70 дан ошди. Кўп яшасанг, кўпни кўрасан, дейишди. Умр узун ёки қисқалиги билан эмас, балки унинг мазмунини билан ўлчанади. Ҳаётимнинг энг ўзал ва эсда қоладиган кунларидан бири бўлган бу кун учун миннатдорман!

Президентимиз олиб бораётган оқилна сиёсат туйғайли юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, қарияларимиз эъзозда, ёшларимиз юксалиш йўлидан дадил бормоқда. Ҳар миллат юксак маданияти ва санъати орқали жаҳон тамаддудиндан мустаҳкам жой эгаллайди. Давлатимиз раҳбарининг ўзбек маданияти ва санъати учун катта аҳамиятга эга бўлган ушбу кунни байрам сифатида

белгилаб бериши ва соҳа вакилларига табрик йўллаши уларга кўрсатилган юксак эҳтиромнинг ёрқин намунаси бўлди.

Халқаро бахшичилик санъати, “Буюк ипак йўли” халқаро фольклор мусиқа фестиваллари, Самарқанд шаҳрида мунтазам ўтказиб келинаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестиваллари миллий санъатимизнинг ноёб турларини дунё миқёсида муносиб тарғиб қилишда беқиёс имконият яратмоқда. “Халқ чоғуларни ижрочилари”, Мукаррама Турғунбоева номидаги миллий рақс ижрочилари, Юнус Ражабий номидаги ёш мақом ижрочилари республика кўриқ-танловларининг анъанавий тарзда ўтказилиши эса иқтидорли ёш созанда ва хонандаларимиз, яъни санъат оламига улкан орзу-умидлар билан кириб келаётган келажак ниҳолларининг ўз иқтидорини намойен қилишида жуда катта ёрдам бормоқда.



юксалтиришда муҳим роль ўйнайдиган жабҳаларда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ ечимлар ўртага ташланди, топшириқлар берилди. Натижада ўзгариш эпкинлари ўзбек миллий рақс эшикларидан ҳам кириб борди, унга янги-янгиланиш ҳавосини бахш этди.

## Маданият ва санъат фидойиларига эҳтиром

Таъкидланганидек, 2021 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги қонун билан 15 апрель соҳа ходимлари кунини эълан қилинди. Халқ ижодиётини ривожлантириш, маданият ва санъат соҳасидаги маҳоратли ижрочи ва ижодкорлар, профессорлар кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, миллий санъатимиз намуналарини жаҳон саҳнасида эътироф этилиши учун шароитлар яратишда мазкур ҳужжат муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда дунёнинг кўпжаб давлатларида ушбу сана Халқаро маданият кунини сифатида кенг нишонланади. Хусусан, 2008 йилдан Италия, Испания, Россия, Аргентина, Мексика, Куба, Латвия ва Литва каби давлатларда 15 апрель — Халқаро маданият кунини эълан қилинган.

Мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, ўзбек миллий маданияти ва санъатининг жаҳон миқёсида нуфузини янада ошириш,

## Истеъдодларни камол топтиришга хизмат қилаётган лойиҳа

— Юртимизда барпо этилаётган болалар мусиқа ва санъат мактаблари, болалар бадий ижодиёти марказлари, мусиқа санъати ривожига доимий эътибор қаратилаётгани янги-янги истеъдод эгаларини камол топтиришга хизмат қилмоқда, — дейди Маданият вазирлиги маъсۇл ходими Нодир Содиқов. — Албатта, маданий меросимиз, санъатимиз, миллий ижрочилик анъаналарини муносиб давом эттируви шоғирдлар етиштириб беришда катта аҳамиятга эга. Устозларнинг ўрни ниҳоятда катта. “Нихол” кўриқ-танлови айнан мана шу эзгу анъанани изчил давом этилишида катта имконият яратиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентини маъсуматчи А.Абдувоҳидов иштирок этди.

**Нодир МАХМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири.**

Музаффар АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

# МАЪРИФАТНИ УЛУҒЛАБ бунёд топган мажмуа

**Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ,  
Ўзбекистон мусулмонлари  
идораси раиси, муфтий**



Ҳақ таоло Ўзининг сўнгги пайгамбари Мухаммад алайҳиссаломга биринчи нозил қилган ваҳйиси, Қуръони каримнинг энг аввалги оятларидаёқ бутун инсониятни ўқиб, илм олиш ва ёзишга буюриб: “Ўқинг (эй Мухаммад!) Бутун борлиқни) яратган зот бўлмиш Раббингиз исми билан! (У) инсонни лахта қондан яратди. Ўқинг! Раббингиз эса қарамлидир. У инсонга қалам билан (ёзишни ҳам) ўргатди. У инсонга билмаган нарсаларини билдирди”, деган (Алақ сураси, 1–5-оятлар).

Бугун юртимизда илму маърифат равнақи йўлида улкан ишлар амалга оширилаётгани ҳам мана шу оятларга ҳамоҳанг тарзда Аллоҳнинг амрига итоаткорликдир. Айниқса, таълимни ривожлантиришга берилаётган эътибори гамжўрлик бу ишларнинг энг хайрлиси ва савоблиси бўлмоқда.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистондаги Илм цивилизацияси маркази фаолиятининг йўлга қўйилиши ислом маърифатини кенг ёйиш, буюк аждодларимизнинг бой меросини, авваломбор, халқимизга, қолаверса, дунё ҳамжамиятига етказиш ва ёш авлодни улуг алломалар асарларида акс этган эзгу таълимотлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу муассасага мамлакатимизнинг ислом маданиятида тутган ўрнини, буюк алломаларимизнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини кўрсатиб беришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш, бугунги глобаллашув даврида юртимизда ислом динининг ҳақиқий мақомини жамоатчиликка тушунтириш ҳамда тарғиб қилиш вазифалари юклатилган.

Айни кунда марказда илмий изланишлар олиб борилаётгани, аждодларимизнинг асарлари тадқиқ қилиниб, таржималар амалга оширилаётгани Ўзбекистонда Учинчи Ренессансга мустаҳкам пойдевор қўйилаётганидан дарақдир.

2018 йил 15 июнь Рамазон ҳайити кунини Президентимиз Илм цивилизацияси маркази пойдеворига тамаддунига қўйиб, ушбу илм-маърифат масканининг ички ва ташқи кўриниши, безатилиши ҳақида долзарб фикр-мулоҳазаларини билдириб, заминимиз асрлар давомида жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми, ислом маданияти марказларидан бири бўлиб келганини акс эттирадиган яхлит мажмуага айлантириш бўйича зарур топшириқлар берган эди. Утган давр мобайнида амалга оширилган барча саъй-ҳаракатлар ана шундай эзгу мақсадларни рўйга чиқаришга сафарбар этилмоқда.

Президентимиз Ўзбекистондаги Илм цивилизацияси маркази биноси қурилиш жараёнлари билан танишиш учун бир неча бор ташриф буюриб, бунёдкорлик ишларини доимий кузатиб келмоқда.

Жорий йилнинг 8 апрель кунини муборак Рамазон кунларида давлатимиз раҳбари ушбу марказга яна бир бор келиб, мажмуани кўркам ва сифатли қилиб қуриш билан бирга, унинг мазмунига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, Илм цивилизацияси маркази халқимизнинг маънавий қудрати қай даражада эканини кўрсатиши кераклигини ҳам қайд этди.

Дарҳақиқат, Илм цивилизацияси маркази уч қаватли, маҳобатли, қадимий обидаларимиз шаклида барпо этилаётгани, бу иш қарийб тўрт йилдири, кенг қўламада давом этаётгани унинг нақадар улкан лойиҳа эканидан далolatдир. Мажмуанинг яқин йиллардан иш бошлаши халқимиз учун ҳам, бошқа мусулмон ўлкалар учун ҳам улкан воқеага айланиши, шубҳасиз. Зеро, бу бунёдкорликлар замирида илму маърифат тарқатишдек эзгу ниятлар мужассамдир.

Иншааллоҳ, тез кунларда муҳташам марказнинг очилишини кўриш барчамизга насиб этсин, омин.



**Наврўзбай ҳожи ТАҒАНУЛИ,  
Қозоғистон мусулмонлари идораси раиси,  
бош муфтий**

Бисмиллаҳи Роҳмани Роҳим. Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар, Ҳазрати Пайгамбаримиз Мухаммад Мустафо соллаллоху алайҳи васалламга беҳисоб савоботу саломларимиз бўлсин.

Қозоғистон ва Ўзбекистон халқларининг дўсту қадриятлари азалий ўзларига тушиб, ҳам диний, ҳам дунёвий, шунингдек, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий жиҳатдан куч олишида давлатларимиз раҳбарларининг кейинги йилларда олиб бораётган саъй-ҳаракатлари ижобий натижалар бераётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев Жаноби Олийлари билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари қозоқ ва ўзбек халқларининг олис тарихий илдизларидан келиб чиққан ҳолда, узқни қўзлаган узро манфаатли алоқалар олиб боришларида икки халқнинг маънавий-руҳий олами, диний эътиқоди ҳамма биринчи ўринда бўлишини назарда тутди.

Шуни айтиш лозимки, ҳар икки халқ давлатчилиги асосларида маънавият, маърифат, миллий қадриятлар ислом ақидаларига суюнган ҳолда ўзлигини намойиш этиб келган. Шунинг учун динимизнинг гуллаб-яшнаши, равнақи ҳақида сўз кетганда, у гарчи Арабистон ярим оролида пайдо бўлган эса-да, Урта Осиёда, хусусан, ҳозирги ўзбек заминидан қувват олганини дунё мусулмонлари яқдил эътироф этади. Қадимдан Самарқанду Бухоро шаҳарларидаги

мадрасаларда диний ҳамда дунёвий фанлардан бирдек сабоқ берилгани боис, бу ерга келиб ўқишни ислом олами ёшлари орзу қилган. Тошкент, Термиз, Насаф каби шаҳарларда илм-фан, маънавият ва маърифат, адабиёт, санъат илоҳиётшуносликка йўғрилган ҳолда гуркираб ривожлангани ҳақида тарихий маълумотлар гувоҳлик беради.



Аллоҳга шукрлар бўлсин, кейинги йилларда биродар ўзбеклар билан елкама-елка қозоқлар ҳам барча соҳалар қатори диний соҳада кўлаб ўзгаришларда фаол бўлиб, ислом динининг маърифатини кенг тарғиб қилмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон раҳбариятининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари катта таҳсинга лойиқ.

Ўзбек заминидан етишиб чиққан буюк алломалар — Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Бурхониддин Марғиноний ва бошқа улуг зотлар тарғиб этган исломий қадриятлар маънавий ҳаёт ва дину диёнатимиз кўзгусидир. Улар қолдирган бой маънавий меросни



Ўзбек заминидан етишиб чиққан буюк алломалар — Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Бурхониддин Марғиноний ва бошқа улуг зотлар тарғиб этган исломий қадриятлар маънавий ҳаёт ва дину диёнатимиз кўзгусидир. Улар қолдирган бой маънавий меросни ўрганиш ва жаҳон афкор оммасига етказиш бугун ҳар бир мусулмон учун муҳим вазифадир. Шу маънода, Ўзбекистонда кейинги йилларда Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ҳадис илми мактаби, Термизда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда Ўзбекистондаги Илм цивилизацияси марказининг ташкил этилаётгани бу йўлдаги муҳим қадамдир.

Ўрганиш ва жаҳон афкор оммасига етказиш бугун ҳар бир мусулмон учун муҳим вазифадир. Шу маънода, Ўзбекистонда кейинги йилларда Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ҳадис илми мактаби, Термизда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда Ўзбекистондаги Илм цивилизацияси марказининг ташкил этилаётгани бу йўлдаги муҳим қадамдир.

Бугун Ўзбекистонда дин аҳлига, илм аҳлига юксак эътибор

қаратилмоқда. Биринчи ва Иккинчи Шарқ Ренессанс даврида гуркираган ислом маърифати, ислом маънавияти, қадриятлари Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари раҳбарлигида юксак босқичга кўтарилмоқда. Таъбир жоиз бўлса, бу ҳол иқтисодий ва ижтимоий, маънавий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олаётди. Мислсиз бу ўзгаришларга ҳамоҳанг ислом динига эътибор тобора кучайиб бораётгани кишини қувонтиради, албатта. Зеро, жорий йилнинг 8 апрель кунини Президент муборак Рамазон кунларида Илм цивилизацияси маркази мажмуасига ташриф буюриб, бунёдкорлик ишлари билан танишиб, ўзининг зарур тавсияларини бергани ҳам сўзимиз далилидир.

Ўзбекистондаги Илм цивилизацияси маркази фаолият бошлашидан кўшни юрт вакиллари ҳам хурсанд бўлади. Боиси, бу муҳташам марказда қўлама асарлар, тошбосма китоблар жамланиши ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилиши, биринчи навбатда, улуг алломаларнинг илмий фаолиятига эътибор бўлса, бошқа томондан юртингиздаги илм-фан ва пешқадимликнинг яққол намунаси бўлади. Бу маърифат марказидан нафақат Ўзбекистон аҳолиси, балки бошқа мамлакатнинг маърифатли фуқаролари ҳам катта манфаат топади.

Ўзбекистондаги Илм цивилизацияси марказининг “Учинчи Ренессанс — Янги Ўзбекистон” госяни кенг тарғиб қилувчи, мамлакат тарихининг янги юксалиш давридаги ютуқларини илмий асосда ўрганиши, уни кенг жамоатчиликка етказиб бериши, моддий-маданий мерос намуналарини, ислом дини билан боғлиқ қадимий ва бой анъаналарни тарғиб қилувчи ва шу каби муҳим йўналишларда иш олиб бораётгани келгусида унинг ислом илму маърифати тараққиётига сезиларли ҳисса қўшишидан умид қилса бўлади.

Илм нурини дунёга таратган юрт сифатида танилган Ўзбекистонда бутун дунё мусулмонлигига ибрат бўлган ишлар амалга оширилмоқда. Иншааллоҳ, бу эзгу саъй-ҳаракатлар ўзининг барокотли самараларини беражак.

## РАМАЗОН МУТОЛААСИ

# ҲАЁТБАХШ ҳадислар

“Яхшилик эскирмагай” номли “Арбаъин” туркумини ўқиб...

**Хуррият ЖАЛИЛОВА,  
адабиётшунос олима**

Шундай умрбоқий урф-одат ва боқий қадриятлар борки, уларга ҳеч қандай эврилишлар таъсир эта олмайди. Шунинг учун азалий анъаналар замонлар оша яшайверади. Агар ислом — Шарқ адабиёти тарихига назар солсак, бунинг ёрқин тимсолларидан бирини “Арбаъин”ларда кўришимиз мумкин.

### Ҳаёт илми ва инъикоси

Бу анъана илдизлари қадимийлиги, ҳамма баҳаётлиги ва илҳомбахшлиги билан аҳамиятлидир. Шарқ мумтоз адабиётида ҳадисларга таяниб бадиий битиклар яратиш “Арбаъин” дейилади. “Арбаъин” сўзи ҳам араб тилидан олинган бўлиб, “қирқ” маъносини билдиради.

Қирқта саҳих, яъни ишончли ҳадис шарҳи, маъноси ва моҳияти шеър, назмий усулда берилиши “Арбаъин” жанрига хос. Бу жанрнинг пайдо бўлишига ҳазрати пайгамбаримизнинг қуйидаги сўзлари асос бўлган: “Ким умматимга дин ишлари борасида қирқта ҳадисни муҳофаза қилиб берад, Аллоҳ уни қиёмат кунини фақиҳ қилиб тириктиради, қиёмат кунини мен унга шафоатчи ва гувоҳ бўламан”.

“Арбаъин” нозик шеърини санъат. Унга қўл урган ижодкор, аввало, диний таълим моҳитини, ислом ахлоқини билмоғи, уни теран англамоғи керак. Шунда пайгамбаримиз (соллаллоху алайҳи васаллам)нинг юқорида эслатилган муборак сўзларидаги ваъдага умидворликка қалбон яқинлашилган бўлади.

Ўзбек адабиётида ҳам “Арбаъин” туркумида қатор асарлар яратилган. Жумладан, замонамиз шоирлари Абдулла Орипов, Шукур Қурбон, Нодира Афоқова, Мансур Жумаев шундай умрбоқий анъанани давом эттириб, “Арбаъин”лар ёзган. Бу ижодкорлар жанр юқини яхши ҳис қилган ҳолда мавзуга қўл урган.

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиқдин Сайиднинг II жилд сайланмасида ҳам “Арбаъин” туркумидаги шеърлар бор. “Арбаъин” асосан тўртликлардан иборат бўлади. Сирожиқдин Сайид бу анъанага бироз ўзгариш киритиб, қирқ ҳадисни шеър шаклида етказишга жазм қилган. Бизнингча, бу анъанадан четлашши эмас, балки янгилик олиб киришга уринишдир. Ҳадислар жуда содда, жайдари тилда шарҳланган. Сўзбошида шоирнинг узи:

Худойим, қирқ эшик очилмоқдадир,  
Худойим, ёруғ қил сўзини тилимга,

дея таъкидлаганидек, бу қирқ эшикнинг ҳар бири дастасига битилган сўзларда бир ёруғлик бор. Шоир англаган ўша улуг ҳикмат ҳар бир эшикда мужассам:

Ҳикмат ҳади қилгил биродаринга  
Кўчада ва ёки уйга чақириб.  
Ҳикматда қалб бордир, ёд бор ҳикматда  
Не шариф зотларнинг умри яширин.

“Қиш биродари учун ҳикматли сўздан афзалроқ нарса ҳади қила олмайди. Чунки шу ҳикмат сабабли Аллоҳ уни тўғри йўлга солиб қўяди ёки ёмон йўлдан



қайтаради”, деган ҳадиси шарифга битилган шеърдан).

Айтилик, ўша биродарингиз сиз айтган ҳикмат тўғриси тўғри йўлга тушиб олди. Сиз сўзининг мазмун-моҳиятини биродарингизга теранроқ аңлатганингиз, қалбиниз эзгулик нури билан очига ҳаракат қилганингиз учун уни ёмон йўллардан асраб қолдингиз ва эзгулик сари чорладдингиз.

“Эҳсоннинг мукофоти эҳсондир”, дея марҳамат қилинади Қуръони каримда. Сиз биродарингизга сўзлардан эҳсон қилдингиз, энди бунинг ажрини арши аълода кўринг:

Билсанг шу аснода арши аълода  
Ҳар ишнинг рўйхатига тизилмоқдадир.  
Яхши йўлга ташван зот оламчалик  
Сенае ҳам сабови ёзилмоқдадир.

“Бировни яхши йўлга бошлаб қўйган одамга ҳам ўша йўлга тушиб кетган одам олаётганчалик сабов ёзилиб борур” (Ҳадисдан).

### Оналар беҳиштнинг нур эшигидир

Қирқ эшик олдида турган шоир эшикларнинг биридан нур таралаётганини кўради. Эшик дастасига бундай сўзлар битилган эди: “Она жаннат ўртасидаги эшиклардан биридир, агар хоҳласанг, ўша эшикни қўлдан бер ёки уни сақла”. Ҳадисдаги бу сўзлардан мутаассир шоир кўнгли кечинмаларини қозоғга туширади:

Ҳаёт инсонларнинг келиб кетувчи,  
Беш кун тебранувчи эл бешилдир.  
Энг аввал онангнинг қадрига етил,  
Оналар беҳиштнинг нур эшигидир.

Дафъатан шоир яна эшикда нурни кўрди. Бу оқарган сочлар таратаётган нур эди. Бу нури соч эгаси ҳаёти дунёда эзгу амаллар деб, Ҳақ таоло деб ашадди:

Ҳар ким бу дунёда қилганларига  
Яраша ажр ила мукофот кўради.  
Оқарган сочларини маҳшар кунда  
Нур бўлиб йўлларини ёритиб туради.

Мавлоно Румий бундай деганлар: “Юзингни қай тарафга бурсанг, Аллоҳ у ердидир”. Саратоннинг офтобда ҳам, шелу ёмғирларда ҳам ранги ўчмайдиған шу гулларга боқинг — унда Ҳақни, Аллоҳни кўрасиз. Инсон қўли билан бўялган матони бир сония офтобга ёйинг-чи, ранги хиралашади. Бир дона зора уруғдан шундай ранглارни яратган зот ягона Аллоҳдир. “Аллоҳ гўзалдир, гўзаллигини севувчидир”. Бу ҳадис сўзи. Энди шоир дейди:

Ялтироқ дунёнинг аҳволига боқ,  
Унда шому саҳар ясан-тусандир.  
Бари алдамчидир, бари омонат,  
Фақат Худо ману, Худо гўзалдир.

Пурмаъно ҳадисларга асосланган бу назмий битикларни яна қўп мушоҳада қилиш мумкин. Лекин минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал деганларидек, яхши, уларни ўзингиз ўқинг ва ўқинг. Ҳикмат билан бадиият уйғунлигини кўрасиз.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

МУАССИС: **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Тажриятга келган қўлмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси — 236. Буюртма — 1084** 85049 нусхада босилди.

**Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.** Баҳоиси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова  
Мусахҳ: Насиба Абдуллаева  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎА яқини — 04:50 Топширилди — 05:00

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўялпонар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz